

*2009-5-сон*

**Суд қарорларининг бекор бўлишига судланувчининг шахсига оид маълумотлар тўлиқ текширилмаганлиги сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 18 январдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2007 йил 6 декабрдаги ҳукмига кўра, М. Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми, 177-моддаси 2-қисмининг «б», «в» бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиги учун Жиноят кодексининг 59-, 61-моддалари тартибида 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг 7-банди «б» кичик банди татбиқ этилиб, тайинланган жазонинг ўталмаган қисми тўртдан бирига қисқартирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М. жиноий шериги Ф. билан қонунга хилоф равишда кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини чет эл валютасига сотиш учун жиноий тил бириктириб, 2007 йил 6 август куни Ф. Т.дан 1800 АҚШ долларига сотиб олган кўп миқдордаги 177,01 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини М. ва Г.лар «мижоз»га қонунга хилоф равишда сотганларида милиция ходимлари томонидан ушланган.

М.нинг айби жиноят иши бўйича тўпланган далиллар билан исботланган, унинг жиноий ҳаракатлари тўғри квалификация қилинган.

Жиноят процессуал кодексининг 98-моддаси ҳамда Олий суд Пленумининг **«Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида»**ги қарорининг 2-бандида суд жиноят ишини кўриш жараёнида судланувчининг шахсини ифодаловчи маълумотларни, ишдаги унга оид шахсий ҳужжатларни текшириши шартлиги, судланувчининг шахсини ифодаловчи маълумотлар қаторига давлат мукофотлари,

саломатлиги ҳақида, ўтиб кетмаган ёки олиб ташланмаган судланганлиги ва бошқа маълумотлар киритилиши кўрсатилган.

Жиноят иши ҳужжатларига қараганда, Сариосиё туманлараро тиббиёт меҳнат экспертлар комиссияси 2002 йил 30 ноябрь куни М.нинг муддатсиз иккинчи гуруҳ ногирони эканлиги ҳақида хулоса берган.

Бу ҳолат М.нинг сўроқ қилиш баённомасида, яшаш жойидан берилган тавсифномада, суд наркологик экспертиза хулосасида қайд қилинган.

Бироқ суд ушбу ҳолатларга эътибор бермаган.

Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги амнистия тўғрисидаги қарорининг 3-бандида — мазкур қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилиниши белгиланган.

Ушбу амнистия актини қўллаш тўғрисидаги Низомнинг 15-банди 3-хатбошисида амнистия тўғрисидаги қарорнинг 3-бандида санаб ўтилган шахсларга нисбатан жиноят ишларининг судда кўрилиши умумий тартибда амалга оширилиши, башарти, шахс айбланаётган жиноий қилмишда айбдор деб топилса, суд Жиноят процессуал кодексининг 463-моддаси 3-қисми 1-банди талабига асосан жазо тайинламасдан ҳукм чиқариши кўрсатилган.

Жиноят ишидаги ҳужжатлардан кўринишича, М. муқаддам судланмаган ва унга амнистия акти қўлланилмаган.

Бироқ суд М.ни содир этган жинояти учун айбли деб топиб, унга нисбатан жазо тайинламасдан, айблов ҳукми чиқариш ўрнига, 11 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилган ҳамда унга нисбатан эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирган. М. ушбу жазонинг 1 йилу 3 ойини ўтаган, жазони ижро этиш муассасасидан амнистия актига асосан қамоқдан озод қилинган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам ушбу ҳолатларни эътибордан четда қолдирган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2009 йил 30 июлдаги ажрими билан суд ҳукмининг М.га нисбатан жазо тайинлаш қисми бекор қилиниб, М. Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги амнистия тўғрисидаги қарорининг 3-бандига асосан жазо тайинламасдан айбли деб топилган деб ҳисобланган.

***Назорат иши ЖСХ-100-09***